

**Шарафидинов Хурсанд**, Фарғона давлат университети доценти, филология  
фанлари номзоди [sharafutdinovxursand@gmail.com](mailto:sharafutdinovxursand@gmail.com) [+998916538846](tel:+998916538846)  
<https://orcid.org/0009-0005-7423-4955>



## ҚОФИЯ ВА УНИ БЕЛГИЛАШ ОМИЛЛАРИ

<https://zenodo.org/records/18780353>

**Аннотация.** Маълумки, қофия ҳақида гап кетганда шеъррий нутқ назарда тутилади, нутқда эса сўз грамматик жиҳатдан маълум бир формада тугал шаклланган бўлади. Мақолада қофия, унинг асосий жиҳатлари, қофияга оид изоҳ ва таърифлар, қофия материали бўйича гуруҳланиши ҳақида гап боради. Таҳлиллар ўзбек шеърйати намуналари асосида келтирилади.

**Калит сўзлар:** қофия, мисра, оханг, товуш, қофиядошлик, бўғин, шакл, унли, такрор.

**Abstract.** As is known, when we talk about rhyme, we mean poetic speech, while in speech the word is grammatically complete in a certain form. The article discusses rhyme, its main features, explanations and definitions of rhyme, and grouping of rhymes by material. The analysis is based on examples of Uzbek poetry.

**Key words:** rhyme, verse, melody, sound, rhyme, bugin, form, vowel, repetition.

**Аннотация.** Как известно, говоря о рифме, мы подразумеваем поэтическую речь, тогда как в устной речи это слово грамматически завершено в определенной форме. В статье рассматривается рифма, ее основные характеристики, пояснения и определения рифмы, а также классификация рифм по материалу. Анализ основан на примерах узбекской поэзии.

**Ключевые слова:** рифма, стих, тон, звук, рифмовка, слог, форма, гласная, повторение.

### Кириш

Қофия аниқланганда, унинг асосан, уч жиҳати ўз ифодасини топади. Булар қофиянинг материал жиҳати, ўрни ва функциясидан иборат.

Илмий адабиётлардаги қофияга оид изоҳ ва таърифларни қофия материали бўйича маъносида куйидагича гуруҳлаш мумкин: бир хил товуш, уларнинг сўз охиридаги жойлашуви; мос бўлиш, ҳамоҳанглик, сўзнинг сўзга мос бўлиши, бир мисра охирининг бошқа бир мисра охирига ҳамоҳанглиги; сўз, (охангдош сўзлар); лафздошлик; товуш ёки товушлар қўшилмаси (уларнинг такрори).

Шу ўринда таъкидланиши керакки, тугалланма тушунчаси сўз охири ҳам, мисра охири маъносида ҳам аниқланиши, конкретлаштирилиши зарур. Чунки сўзнинг луғат ва грамматик жиҳатдан суратланган шакллари мавжуддир. Бу айниқса, формал белгилар олиб ўзгарганда, негиз ўзгаришалари содир бўлмайдиган агглютинатив тиллар учун яна ҳам зарурдир. Хусусан, ўзбек тилида (агглютинатив тил) ҳар икки ҳолатда ҳам, яъни сўз конкрет формал белги олиб ўзгарган ҳолатида ҳам, конкрет формал белгисиз грамматик (нол форма) ҳолатида ҳам қофиядошлик юзага чиқа беради. Лекин грамматик формал белги олганда, шу белгилар семантик жиҳатдан ҳам

тенг бўлса – такрорланса, қофиядошлик юзага чиқмайди, демак, сўз охири мослиги қофияни келтириб чиқармайди.

### Adabiyotlar tahlili va metodologiya

Ўзбек тилида яратилган бадиий ижод намуналари кўрсатадики, қофия вужудга келиши учун товушларнинг бир хил бўлиши ва уларнинг нутқда – грамматик жиҳатдан шаклланган сўз охирида бўлиши шарт эмас. Ўзбек адабиётида қофия, бир хил товушлар такрори бўлишидан ташқари, ўзаро ўхшаш – пайдо бўлиш ўрни ва усулига кўра бир-бирига яқин товушларнинг такрори сифатида ҳам юзага келади:

Сендан ҳар “иккала” дунё ўргулсин,  
Сен борки, нурафшон диёрим, элим...  
Вафоли ёримсан – билмаган билсин  
Кетма, севгилим! (Асқар Қосимов)

Тўртликнинг биринчи ва учинчи мисраларидаги қофиядошлик *ўргулсин – билсин* сўзларининг иккинчи бўғинларидаги товуш уйғунлиги асосида юзага чиққан. (Қофиядошликда бўғин сўзнинг охиридан ҳисобга олинади). Булар – гул ва бил бўғинларидир. Уларнинг сўнгги товушлари бир хил, бу “л” ҳарфида ифодаланган товуш. “Г” ва “б” товушлари орасида эса бир хиллик ҳам, умумийлик ҳам йўқ. “У” ва “и” унлилари орасида мавжуд бўлган умумийлик ва сўнгги товушларнинг бир хиллиги асосида қофиядошлик вужудга келган.

Оёғи қозикқа  
Боғланган каби,  
Нигоҳи ўлимга  
Чоғланган каби (Асқар Қосимов)

тўртлигидаги биринчи ва учинчи мисралар бошида келган ўрни бўйича анафорик қофиядош сўзларнинг ўзак – оёқ ва нигоҳ – қисмларида фақат “о” унлиси бир хил бўлиб, “қ” ва “х” товушлари ҳамоҳанглигида умумийлик мавжуд ва шу оҳангдошлик ва бир хиллик туфайли қофия юзага чиққан. Бу ерда унлилар ҳамоҳанглигининг аҳамияти каттадир.

Болу пар силкитиб,  
Чарх урар оққуш.  
Кўкларга талпиниб,  
Оҳ урар оққуш... (Асқар Қосимов)

Муҳаббат китоби, дунёдай эски,  
Ажиб бир тилсимот, ажиб бир билим...  
Тасвири кўп мушқул, ноёб бир сезги,  
Кетма севгилим! (Асқар Қосимов)

Келтирилган тўртликлардаги чарх – оҳ, эски – сезги қофиядошликлари хусусида ҳам шу фикрни билдириш мумкин.

### Natija va muhokama

Шеърятда чилвир – сумбул сўзлари қофия бўлиб келиши мумкин. Бу қофиядошликда бирорта товуш бир хил эмас. Бунда қофиянинг юзага келиши омили товушлардаги уйғунликдир. Бу уйғунлик, биринчи навбатда, бўғинларни ёпувчи ундошларда кўринади: л-м, р-л товушлари сонорлардир, яъни табиатан умумийдир; иккинчидан, сумбул сўзининг оғзаки талаффузида қисман ўзгачалик бўлиши

мумкинлигида. Бу ўзгачалик шундан иборатки, сўзнинг биринчи бўғини “сум” ҳам шаклида ҳам, сун шаклида ҳам талаффуз этилади. Бундай талаффуз “сумбул” сўзини ўз оҳангдошлик чизиғида турган “чилвир” сўзига яна ҳам яқинлаштиради. Чунки чилвир сўзининг биринчи бўғинидаги “л” ундошига пайдо бўлиш ўрни ва усули бўйича “м” ундош товушига қараганда “н” сонори яқинроқдир; учинчидан, “м” сонорининг “н” тарзида талаффуз этилиши сўзнинг иккинчи бўғинидаги “у” унлисига мойилроқ талаффуз этишга олиб келади; бу эса, ўз навбатида, сумбул сўзининг умумий оҳангдошлигини чилвир сўзига яна ҳам яқинлаштиради. Мана шу умумийликлар асосида қофия вужудга келади. Бу товушлар бир хиллиги эмас, товушлар умумийлигига, оҳангдошлигига асосланган қофиядир. Демак, бир хил бўлмаган, лекин ўзаро ҳамоҳангликка эга бўлган товушлар қофия материали бўла олади. Товуш – материалнинг абсолют бир хиллиги шарт эмас.

Дунёнинг деярли барча тилларида, жумладан, ўзбек тилида ҳам кўпгина товушлар оҳангдошликда ( масалан, г-к, б-п, д-т, в-ф, з-с сингари) ўз жуфтига эга бўлади. Бундай яқинлик унлиларда ҳам мавжуд: а-о, э-и, ў-у сингари. Мана шу умумийлик ва ўзаро яқинликлар қофия имкониятларини кенгайтиради.

Шунингдек, қофияни грамматик жиҳатдан конкрет формал белги олиб шаклланган сўзларнинг охиридаги товушлар эмас, балки бошланғич қисмидаги – ўзак қисмидаги товушлар юзага чиқаради. Бу ҳол айниқса, агглютинатив тилларда яна ҳам кучлироқдир. Чунки агглютинатив тилларда қўшимчаларнинг кўп маънолилиги ўта чекланган, бир грамматик форма бир маънога эга бўлади; мазкур форманинг такрорланиши фонетик такрор бўлиши билан бир қаторда, механик равишда, семантик такрор ҳам бўлиб қолади. Қофия учун шу такрорларнинг бир тури – фонетик такрор зарур холос.

Қофия ҳақида гапирганда, нутқ – шеърий нутқ назарда тутилади, нутқда эса сўз грамматик жиҳатдан маълум бир формада тугал шаклланган бўлади. Сўзлар поэтик нутқдан ташқарида ҳам товушдош бўлишлари мумкин: бош-қош, ақл-нақл, сингари. Лекин бу товуш мослиги товушдошлик холос, қофиядошлик – қофия функция бажариши шарт. Бу эса албатта нутқда бўлади – нутқнинг бирор элементи сифатида функция бажарилади. Агар лингвистик термин билан аталса, қофия окказионал ходисадир. У шеърий нутқда вазифа бажаради.

Қофияни байт ёки мисралар охиридаги сўзларнинг мослиги тарзида белгилаш ҳам аниқлашни, конкретлаштиришни талаб этади. Чунки мослик тушунчаси умумий тушунча бўлиб, у шакл планида ҳам бўлиши мумкин, маъно планида ҳам бўлиши мумкин.

Тақдирнинг ишини тадбир бузолмас,

Тадбирнинг ишини тақдир бузолмас.

Келтирилган мақол мисраларининг охиридаги “бузолмас” сўзларида мослик бор. Бу мослик ҳам шаклда – шаклдошлик – фонетик такрор, ҳам маънода – маънодошлик – семантик такрор. Бундай мослик билан қофия юзага чиқмайди. Қофия юзага чиқишнинг шarti маънодошлик эмас, оҳангдошлик асосидаги мосликдир.

### **Хулоса**

Демак, қофия белгиланганда, унинг ўринини горизонтал йўналиш бўйлаб мисралар охири, деб аниқлаш қофия имкониятларини ўрин жиҳатдан торлаштиради, аруз бўйича эса ҳатто фактларга зид келади.

Қофияда оҳангдошлик яратилишининг бош сабаби унда тиргак товушнинг мавжудлигидир, қофия таркибидаги асосий элемент тиргак товуш бўлиб, қофия

вужудга келишида у асосий рол ўйнайди. Қофия таркибидаги етакчи элемент, ҳал қилувчи элемент мана шу тиргак товушдир.

Асосан, унли товушлар тиргак вазифасида келади. Чунки унлилар одатда соф овоздан иборат бўлганлиги туфайли уларда оҳангдорлик юқори бўлади. Шеърий нутқнинг мусиқийлиги ҳисобга олинса, бу салмоқ қиммати ва аҳамияти яна ҳам ортади.

Хуллас, қофия таркибидаги асосий элемент тиргак товуш бўлиб, қофия вужудга келишида у асосий рол ўйнайди.

#### **Фойдаланган адабиётлар:**

1. Ахманова О.С Словарь лингвистических терминов. – М.: СЭ, 1969.
2. Беляев В.Ф. Основная терминология метрики и поэтики. Приложение к книге Ахмановой О.С. “Словарь лингвистических терминов” – М.: СЭ, 1969.
3. Х.Шарафиддинов. Аруз ритми ва мусиқий оҳанг. ILMIY TADQIQOTLAR VA ULARNING YECHIMLARI JURNALI. Volume 9, issue02, 2026.
4. Х.Шарафиддинов. ШЕЪР ТУЗИЛИШИ. PEDAGOGIK TADQIQOTLAR JURNALI. Fevral, 2026.
5. Шарафиддинов Х. Мақол қофиясининг структурал эволюцияси. ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ АХБОРОТНОМАСИ. 2022, № 1. 370-б.
6. Шарафиддинов Х. ҚОФИЯНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ВА СТРУКТУРАЛ ЭВОЛЮЦИЯСИ. ФарДУ илмий хабарлари. 2021, № 6. 106-б.